Ушбу сонда:
2 *Тавба-тазарру* ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ!
3 ОҚСОҚОЛ фаоллар билан кучли
4 КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
ISHONCH
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2003 йил 3 июн, сешанба № 85 (1510)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШҲТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

Муҳтарам Раис жаноблари!

Ҳурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари,

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шахсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманнинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ўз мамлакати номидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаони қутлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШҲТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШҲТнинг Ижрочи котиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-кувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро терроризм, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган кўламлари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шуки, халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шакллангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва, лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-хомашё захираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи галда воқеаларнинг салбий йўналишда ривожланишининг олдини олиш, Х.Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш -узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний кучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини яхши тушунамиз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тутган ўрни беқиёс, у шакллангани сари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШҲТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун-шакллантирилаётган ШҲТ халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШҲТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги бу ерда билдирган фикрига тўла қўшиламан. Ўйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир.

Иккинчидан. Халқаро терроризм, радикал, тажовузкор-экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, терроризм ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қуролига айлантираётган мафкура йўлида мустаҳкам тўсиқ қўйиш бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда «Хизбут-таҳрир» каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажакда ШҲТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳамкасбларим гапиришди. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш -бу, пировардида, халқларимиз кутаётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШҲТ доирасида ҳам интеграция, умумминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШҲТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақага кенг кўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШҲТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси - ШҲТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоясига етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.

Ислом Каримов Москвага жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади. Бу хусусда ШҲТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислом Каримовнинг фикрича, ШҲТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиб бўлмайди. Ташкилотни сиёсий турли ўйинлардан, бошқа давлатларга қарши қаратишга уринишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик очиқлик ва тенглик тамойиллари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосида қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзага келиб, фақат саммитларда баландпарвоз гаплар айтиладиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айланиб қолиши мумкин.

ШҲТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нуқта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканига тасдиқ ҳам бўлди. Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислом Каримов бу таъкидни журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, ШҲТнинг навбатдаги саммитига қайси мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаси чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислом Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарзда ҳал этилишини кутмаган экан. Аммо, сиёсатда тасодиф бўлмайди. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбони ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга киритади. Бундай ҳуқуқ эса, ҳақли равишда ўзининг одил, қатъий ва мустақил сиёсатига эга бўлган, бошқа давлатларнинг таъсир доирасига тушмайдиган ва тазйиқидан чўчимайдиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топширишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносиб баҳо, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътирофи ҳамдир.

ШҲТ саммитида ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинди. Албатта, бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалий саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта, десак, хато қилмаган бўламиз. Ҳеч бир мамлакатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аксилтеррор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар эълон қилгани йўқ, мамлакатимизнинг хатти-ҳаракатлари очиқ-ойдин кўриниб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан вужудга келди.

Шу маънода, ШҲТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишга йўналтирилганининг тасдиғини топди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашувига ҳам юқори баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лавозимини эгаллаган бу шахс ўзининг биринчи хорижий сафарини ШҲТ саммитидан бошлагани муҳим воқеа, албатта. Чунки дунё аҳли қудратли давлатлардан бўлмиш Хитойдаги воқеаларни диққат билан кузатиб боради.

Ислом Каримовнинг Ху Цзинтао билан учрашуви Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Бунга асосий сабаблардан бири эса Хитой раҳбарининг учрашувдаги сўзлари бўлди. Х.Цзинтао дунёдаги вазият қай йўсинда ривожланмасин, Пекин Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, айниқса, сармоя ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувига журналистларнинг катта қизиқиш билдириши Х.Цзинтаонинг фикрларига жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШҲТ саммитидан кейин Президент Ислом Каримов шу кунларда 300 йиллик тўйини нишонлаётган Санкт-Петербургга йўл олди. Бу ерда МДҲ Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик саммити доим қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтади. Президентлар байрам кайфиятида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидаги асосий масала - Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзоланганига ўн йил бўляпти. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислом Каримов таъкидлаб келаётганидек, МДҲда ташаббус кўп, таклифларнинг адоғи кўринмайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар вужудга келяпти, бир-бирининг ўрнига қайтадан тузиляпти.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши раиси, Украина Президенти Леонид Кучманинг билдиришича, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтмишдан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад ҳали-ҳамон МДҲнинг айрим аъзолари тор доирада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини биргаликда ечмас экан, ягона бозор тузиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар эълон қилиниб, ишламайдиган ҳужжатлар тузилиши МДҲдаги муносабатлар тизимига рахна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсинда ташаббускорликка берилиб кетса, МДҲнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш даргумон бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралида МДҲнинг тўрт аъзоси ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДҲни тузишдан кўзланган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиги тайин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввалги саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиддий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургда яна бош мавзуга айланди. Сентябрда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишнинг биринчи босқичига нуқта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир кунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиш, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, енгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини кўриб чиқиш керак. Кунт билан ишланса, босқичма-босқич барча вазифаларни уддалаш мумкин.

Ислом Каримов Ялта саммити МДҲ ҳаётида жиддий воқеа бўлишига умид билдирди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДҲ аъзоларининг бошини қовуштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларига изчиллик бахш этиши мақсадга мувофиқдир.

Президентлар МДҲ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларни давом эттирди. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, баъзан қисқа, баъзан атрофлича суҳбат тарзида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДҲ раҳбарлари бир тўхтамга келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДҲда ҳам инъикос топишига умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги -ҳамкорликни ривожлантириш. Бу - яхши ният. Хайрли ният эса бесамар кетмайди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент - Москва - Санкт-Петербург - Тошкент.

ЎҚИШ УЧУН - ГЕРМАНИЯГА

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда яшовчи 58 нафар фуқароси ДААД алмашувлари Германия академик дастури стипендиантлари бўлишди. Улар эндиликда Германияда қисқа муддатли ўқиш, малака ошириш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тошкентда танлов ғолиблари билан учрашув ўтказилди.

- Ғолибларнинг 12 нафари электроника, тиббиёт, кимё ва биокимё йўналишлари олимлари ҳисобланади, - деди ДААДнинг минтақавий мувофиқлаштирувчиси Эва Порциус учрашувда сўзга чиқиб. 20 нафарга яқин киши бакалаврлар, қолганлари эса магистрантлар ва олий ўқув юртлари ҳамда илмий тадқиқот институтлари аспирантларидир. Улар юқорида номи зикр этилган фанлардан ташқари иқтисодиёт, германшунослик, филология ва ҳуқуқшунослик мутахассислари билан шуғулланишади.

Ўзбекистонлик стипендиантлар Германиянинг 50 дан зиёд ўқув ва илмий муассасаларида таълим олишади.

Мувофиқлаштирувчининг сўзига кўра, ўтган йили стипендиантлар сони 70 кишидан ҳам ошиб кетганди. ДААД тизимига кирмайдиган, аммо айрим институтлар тақдим этган талабалар сони ҳисобига Германияга борувчилар бу йилгидан кўпчиликни ташкил этганди.

- Сизлар аҳоли орасидан танлаб олинган вакиллар ҳисобланасиз, - деди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер. — Ишонаманки, Ўзбекистонга қайтиб Германияда олган билим ва малакаларингизни самарали қўллайсизлар.

Элчи, шунингдек, элчихона ўз стипендиантларининг ишларини, олган билим ва малакаларини амалиётда қандай қўллаётганлигини диққат билан кузатиб бораётганлигини қайд этди.

Бизнинг стипендиантларимизга олий ўқув юртларида, вазирликлар ва корхоналарда иш топиш қийин бўлмайди, — деди Э. Порциус. - Германияда улар бозор иқтисодиёти талаб қилаётган замонавий билимларни оладилар. Табиий ва техник соҳаларда ўқиётган кишилар учун ҳам иш муаммоси бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон бугунги кунда илғор технологияларга ўтмоқда.

"Туркистон-пресс"

«ШАМС-ШЕР» ТУҲФАСИ

Давлат Азимов Ромитан туманидаги «Миллий банк» шохобчасида ўз ҳисоб рақамини очиб, сутни қайта ишлайдиган кичик завод қуришни ният қилди. Банк маъмурияти тадбиркорни қўллаб-қувватлади. Натижада «Шамс-Шер» фирмаси учун 20 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Тадбиркор ишга шитоб билан киришиб кетди. Россияда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни бирин-кетин келтира бошлади. Бино масаласи ҳам ҳал бўлди. Тез орада ускуналар монтаж қилиниб, кичик корхона ўз маҳсулотларини чиқара бошлади. Аҳолидан сотиб олинадиган сутни қайта ишлаш ҳисобидан 10 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айни кунларда «Нурафшон» хўжалигида жойлашган мазкур кичик корхонада 10 нафардан ортиқ ишчи-ходим ишлайди.

У.НАВРЎЗ

Президентнинг водийга сафаридан сўнг

«НЕСТЛЕ» - ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

Яқинда Қўқонга борганимда шаҳардаги 31-мактабга киришга тўғри келди. Мактаб раҳбари хонаси «Нестле» деб ёзиб қўйилган қоғоз қутилар уюми билан тўлган эди.

— Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжаллаганмиз, -деди ҳайрон бўлиб қараётганимни пайқаган раҳбар. — Намангандаги шу ном билан аталадиган қўшма корхонадан совға қилишди.

Директор бу маҳсулот шаҳардаги бошқа мактаб ва болалар боғчаларига берилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ҳа, бугунги кунда «Нестле» маҳсулотларини нафақат Фарғона водийси, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари ва шаҳарларида ҳам учратиш мумкин.

Хориждаги энг нуфузли мутахассислар томонидан экологик тоза, дея эътироф этилган ушбу маҳсулотлардан ташқари корхонада газланган ва газланмаган маъданли сув ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Унга ҳозирда олис-олислардан ҳам харидорлар топилмоқда.

Маълумки, Наманган водийнинг ҳамма жойида бўлганидек, аҳоли зич яшайдиган масканлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда шаҳар аҳолиси ярим миллион нафарга яқинлашиб қолди. Бу эса янгидан-янги ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этишни тақозо этмоқда. Шу боис, 1999 йилнинг 14 октябрида «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш ва бу ерда ўндан ортиқ табиий сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан ҳукумат қарори эълон қилинди. Шунга кўра аввалги сут маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ўрнида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу йўналишда кадрлар ва тегишли мутахассислар тайёрлашга ҳам киришилди. Маҳаллий йигит-қизлар компаниянинг Покистон, Ҳиндистон ва Туркия мамлакатларидаги тармоқларида малака ошириб қайтдилар.

Ишончли ва доимий хомашё захирасига эга бўлмагунча ишлаб чиқаришни бир меъёрда ушлаб туриш, юксалишга эришиш қийин. Шунинг учун вилоятнинг бу борадаги ҳолати ўрганиб чиқилиб, пухта замин ҳозирланди. Шу кунларда 140 жамоа ва фермер хўжаликларидан ҳамда 3 минг хонадондан шартнома асосида сут қабул қилиб олинмоқда. Хомашёнинг ёғлилик даражаси, нордонлиги лабораториялар орқали текшириб борилади ва белгиланган мезонда сақланишга эришилади. Ҳозирда бу ерда 7 хил турда болалар овқатлари, 4 хил турда сут маҳсулотлари, чунончи, сариёғ, пишлоқ кабилар тайёрланмоқда. Шу билан бир қаторда ярим ва бир ярим литрли маъданли сув ишлаб чиқарилмоқда.

— Ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилган,- дейди бош директорнинг умумий масалалар бўйича ўринбосари Юнусхон Ҳожиакбаров. — Улар ишга махсус автобусларда келиб-кетадилар. Шинам ошхонамиз ишловчилар хизматида. Бундан ташқари, тайёрланадиган овқатлар нархининг 8-10 фоизигина тўланади, холос.

Касал бўлганларга дори-дармонлардан ёрдам кўрсатилади. Корхона қошидаги тиббиёт шохобчаси ишчи-хизматчилар соғлиғини мунтазам назорат қилиб боради. Меҳнат таътили даврида хоҳловчиларга сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилади. Ишловчиларнинг фарзандлари ёз мавсумида болалар оромгоҳларида дам олдирилади. Ёши етиб, нафақага чиқаётганлар икки ойлик маош миқдорида пул билан тақдирланадилар.

— Юртбошимизнинг корхонамизга келиши жамоамиз аъзоларининг бир умр эслаauthor ридан чиқмайдиган воқеа бўлди, - дея суҳбатни давом эттирди. Ю.Хожиакбаров. — У киши ишлаб чиқаришимиз билан танишиб, ишчи-хизматчилар билан мулоқот қилиб, ишимиздан мамнун бўлдилар. Жамоамиз Президентнинг бизга билдирган юксак ишончларига жавобан ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга, маҳсулот сифатини яхшилаб, ҳажмини кўпайтиришга қарор қилди. Мақсадимиз халқимиз дастурхонида экологик тоза ва сифатли, муҳими болаларимизнинг соғлом вояга етишига кўмаклашадиган, қолаверса, Ўзбекистонимиз довруғини жаҳонга таратадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири



Мингбулоқ тумани ғаллакорлари жорий йилда 8 минг 60 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 37,5 центнердан, жами 30 минг 348 тонна дон ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Айни пайтда туман марказий машина трактор паркида ўн битта «Кейс» ва ўттизта Россиядан келтирилган ғалла ўриш комбайнлари тўлиқ таъмирланиб, ўримга шай қилиб қўйилган.

Суратларда: МТП иш фаолиятидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

ЗАВОД ҚУВВАТИ ОШАДИ

Самарқанд автойўл давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли «Афросиёб» асфальт заводида янгидан жиҳозлаш ва замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш юмушлари ниҳоясига етай деб қолди.

- Заводдаги мавжуд ускуналар бундан қарийб ўттиз йил илгари ўрнатилган,- дейди корхона раҳбари Деҳқон Эрмаматов. - Ўтган вақт мобайнида, табиийки, улар эскириб яроқсиз ҳолга тушганди, Натижада, ўша пайтлар соатига саксон тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводда ҳозирга келиб бу кўрсаткич йигирма беш тоннани ташкил қиларди. Бундан ташқари эскирган ускуналар сифатли асфальт ишлаб чиқаролмас, шу боис тузатилган йўллар бир йил ўтмасданоқ таъмирталаб бўлиб қоларди.

Корхонага бу борада Германиянинг «AMMANN» фирмаси ёрдамга келди. Мазкур фирма билан тузилган шартномага мувофиқ заводга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатила бошланди. Техник жиҳозлаш охирига етгач, завод соатига 160 тоннагача сифатли асфальт тайёрлаш қувватига эга бўлади.

(ЎзА)

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда ёшларга, айниқса вояга етмаган болаларга юксак эътибор қаратилаётгани келажагимиз пойдеворининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази» томонидан ҳам кўплаб ишлар қилинмоқда.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам

Марказнинг асосий фаолияти Тошкент шаҳридаги марказий хиёбонлар, бозорлар, шоҳ кўча ва чорраҳаларда вояга етмаганларни дайдичилик ва тиланчилик билан шуғулланишларининг олдини олишдир. Шунингдек, марказ ходимлари вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда ҳам бевосита иштирок этишади. Марказга юқорида тилга олиб ўтилган жойларда дайдиб юрган болалар жойлаштирилади.

Уларнинг ҳар бири тиббий кўрикдан ўтказилади. Касаллиги аниқланганлар даволаниш учун касалхоналарга ётқизилади.

Вояга етмаганларни марказдан ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларгина олиб кетишлари мумкин. Шахси ва турар жойи аниқланмаган ёки ота-онаси ташлаб кетган болалар бу ерда бир ойгача ушлаб турилади. Сўнгра болалар уйларига жойлаштирилади. Вилоятларга кетиши зарур бўлиб, ҳеч ким олиб кетмаганлари марказ ходимлари томонидан уйларига ёки ўша тумандаги ИИБга олиб бориб топширилади. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир марта марказ орқали ота-онасига топширилган бола яна шаҳарга келиб олдинги фаолиятини давом эттира бошлайди. Бундай пайтда улар қайтадан ҳужжатлаштирилиб, яшаш жойига юборилади. Бу гал уларнинг яшаш жойидаги туман ИИБ ҳамда прокуратурага алоҳида назорат ўрнатиш тўғрисида тақдимномалар киритилади.

Айтиш мумкинки, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳозирда шаҳримиз кўчаларида беҳуда кўчада дайдиб юрган вояга етмаганлар сони анчага камайди. Марказга асосан 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар келтирилади. Бу ерда уларнинг кўнгилдагидай яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, спорт билан шуғулланишлари учун майдонча ва зал ташкил қилинган.

Шунингдек, марказда музика, ўқув тарбиявий ишлар олиб бориш учун мўлжалланган синф хоналари мавжуд. Бу ерда малакали мутахассислар ўқув-тарбиявий дарсларни олиб борадилар. Якка тартибда олиб бориладиган тарбиявий-профилактика жараёнида болаларнинг уйларидан ва мактаб интернатларидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш сабаблари аниқланади. Уларнинг яшаш тарзидаги муаммолар ўрганилиб, бевосита ёрдам кўрсатилади.

Марказ ходимлари «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Марказнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ муовини Ризоқул Бекпўлатов, лейтенант Татяна Клинчева, милиция сардорлари Юсуфжон Азаматов, Элёр Тўйчиев, профилактика инспектори Равшан Раҳимжоновларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Э.БОЙХОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази» бошлиғи, милиция капитани
Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

БАНК КРЕДИТИ ҳисобига янги иш ўринлари

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Навоий шаҳрида «Замин» банкининг шохобчаси ишга туширилди. Банкнинг ойлик тушуми қисқа фурсат ичида 30 миллион сўмга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Замин» банкининг вилоятда битмай ётган объектлар қурилишига кўрсатаётган ёрдами салмоқли бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили Навоий шаҳридаги маданият касб-ҳунар коллежи ётоқхонаси қурилиши учун 70 миллион, Томди туманидаги 422 ўринли мактаб биноси қурилишини тугаллаш учун 100 миллион сўмлик қисқа муддатли кредит берилди. Қисқаси, бир йил давомида банк томонидан ҳаммаси бўлиб 605,5 миллион сўмлик ана шундай лойиҳалар молиялаштирилди. Шундан 571,8 миллиони банкнинг ўз маблағи ҳисобидан берилган бўлса, 33,7 миллиони иш билан таъминлашга кўмаклашиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари томонидан ажратилди. Банк йил давомида кредит ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишдан 20,1 миллион сўм соф даромад олди. Кредитлар ҳисобига вилоятда 90 та янги иш ўрни яратилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Янгикўрғон туманида режа бўйича 40,5 километр табиий газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди, 15 километр масофага сув қувурлари тортилиб, кўпгина қишлоқларда сув муаммоси ҳал қилинди. Наманган-Янгикўрғон-Калишо йўли 30 метрга кенгайтирилади. Дастлабки 5 километр тўлиқ битиши учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Исковот қишлоғида "Болалар спорт мажмуаси" қурилиши бошланди.

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

- Шу кунларда туманимиз катта қурилиш майдонига айланган, - деди туман бош меъмори Хошимжон Халилов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Жорий йилда Ўзак ва Ҳақиқат қишлоқларидаги 777 та хонадонда табиий газ порлади.

Бу йил хонадонларни газлаштириш учун туман ички имкониятларидан 510 миллион сўм маблағ ажратилди. Парамон, Қораполвон қишлоқларида 50 ўринли қишлоқ врачлик пунктлари қурилаяпти. Бирлашган қишлоғидаги "Деҳқон бозори, туман марказидаги 600 ўринли "Маданият саройи" қайта таъмирланмоқда.

Наманган-Янгиқўрғон-Калишо автойўли жаҳон андозасига жавоб берадиган даражада қайта қурилмоқда. 35 километр масофадаги йўлни кенгайтириш ишларида туман ва вилоятнинг 30 га яқин йўл қурилиш ташкилотлари кечаю-кундуз меҳнат қилишмоқда. 2005 йилда бу йўл тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Туман маркази ҳам лойиҳа бўйича замонавий услубда бутунлай қайта қурилмоқда. Тумандаги 47 та қишлоқнинг ҳар бир маҳалласида ободонлаштриш ишлари жадал бораётир.

"Туркистон-пресс"

ДАДИЛ ОДИМ

«Навоийдонмаҳсулотлари» касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан имзоланган жамоа шартномаси асосида дон қабул қилиш шохобчаларида ишловчиларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Вилоятда деҳқонлар билан тузилган шартнома шартлари тўла уддаланди. 2003 йил ҳосили учун ширкат ва фермер хўжаликларига 2 миллиард 35 миллион 398 минг сўм, траншлар бўйича 2 миллиард 839 миллион 947 минг сўм тўланди. Бу вилоят бўйича сотиладиган ғалла миқдорининг ўртача 50 фоизини ташкил этади.

Вилоятда дон қабул қилишни намунали ташкил этиш мақсадида бош корхона «Қизилтепадон» ва мавсумий 5 та дон қабул қилиш шохобчалари асбоб-анжомлари кўрикдан ўтказилди. Сув сиғимлари, ўт ўчириш асбоблари шай ҳолатга келтирилди. Мавсум даврида ишлайдиган лаборантлар қайтадан ўқитилиб, шаҳодатланди. Ишчиларнинг яшаш ва ювиниш хоналари тўлиқ тартибга келтирилди.

Масала кўндаланг қўйилади

«БУГУНДАН БОШЛАБ КАСАБА УЮШМА РАИСИСАН...»

Меҳнат бозорини таҳлил қилиб бориш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда Бандлик дастурини амалга ошириш борасида Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бирмунча ишларни амалга ошириб келмоқда. Ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш бошқарманинг муҳим вазифаларига айланган.

Бошқарма ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш қидираётган ва меҳнат бозорида рақобатлашадиган 4860 нафар фуқарони иш билан таъминлади. Шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган янги фирмалар, кичик корхоналар, хусусий корхоналарнинг тушиши муносабати билан 362 нафар ногирон, 846 нафар кўп болали ва ёлғиз оналар, 2395 нафар ўқув юртларини тугатган ёш мутахассис, 1221 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга янги иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, «Кўниктирма марказлари» билан ҳамкорликда жазони ўташ жойларидан қайтиб келган 145 нафар шахс ишга жойлаштирилди.

Афсуски, камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Пенсионерларнинг нафақа пуллари, 3 ёшгача бола таътилидаги ва кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар кечикиб берилиши ва баъзи ҳолатларда бу пулларни натура билан тўланиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Энг ажабланарлиси, вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида ҳар йили қўшма қарор қабул қилиниб, унда тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмиталари билан бошқарма, бирлашмалар ўртасида келишувлар тузиш топширилганига қарамай бу вазифа ўлда-жўлда бажарилмоқда. Барча йирик ташкилотлар тармоқ касаба уюшма қўмиталари билан келишув ҳужжатларини имзолаган бўлишсада, асосий вазифаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлган бошқармага давлат муассасалари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан келишув шартномасини имзолаш ҳақида ёзма ҳамда оғзаки мурожаат қилинган бўлса-да, ишчилар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бу ҳужжат ўтган йил ҳам, бу йил ҳам расмийлаштирилмай келинмоқда. Ҳатто бош бошқарма касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузиладиган жамоа шартномаси ҳам икки йилдирки имзоланмаган. Бунинг сабабларини ўрганиш мақсадида бошқармада бўлганимизда раҳбар Р.Қурбоновдан келишув ва жамоа шартномалари тузилиши шартми? деган жавобни эшитиб, тўғриси, ёқамизни ушладик.

Умуман бошқармада касаба уюшма ташкилоти роли сезилмайди. Буни қарангки, қўмита раиси Ш.Шариповдан:

— Қанча аъзоингиз бор? деб сўраганимизда

— 28-30 тача, яхшиси аниғини билиб келаман, - дея чиқиб кетди-да: ведомостда 43 одам экан, - деди.

Касаба уюшма ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўтган йили фақат биргина одам, у ҳам бўлса, бошлиқнинг биринчи ўринбосари сиҳатгоҳга бориб келган. Оромгоҳга эса икки нафар ўқувчи юборилган, холос. Қўмита раисидан бу ҳолатни изоҳлаб беришни сўраганимизда:

— Мен жамоатчилик йўли билан раислик қилаяпман. Аслида вилоятда пенсия жамғармасини бошқараман. Шунинг учун касаба уюшма ишларига вақтим бўлмайди, - деб ўзини четга тортди. Буниси ҳам ҳолва экан. Эътироф этишларича, 1996 йилдан буён касаба уюшма қўмитаси биронта йиғилиш ўтказмабди. Нега, деган саволимизга ҳам жавоб қизиқ бўлди. Ш.Шариповнинг айтишича, ўша йили ўзидан олдинги касабақўм бошқа ишга ўтган. Шунда бош бошқарма бошлиғи шу кундан бошлаб касабақўм раиси ўзингсан, деган. Бундай ёндошувни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин...

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Тавба-тазарру

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ!

бу ғаламислар қутқусига учиб, қаттиқ адашган ва пировард натижада тўғри йўлга тушиб олган Тошкент туманилик Баҳодир Латиповнинг дил сўзлари

Кенжа ўғилнинг кутилмаганда ўзгариб қолганлигини ота-она, маҳалладагилар дастлаб пайқашмади. Ўлмас ака ва Сабоҳат опа уни тез-тез кеч қолиб келишлари, шубҳали кимсалар билан мулоқотда бўлишларига унчалик эътибор беришмади. Қўй оғзидан чўп олмаган бола ёмон ишга қўл урармиди. Бу нотўғри тушунча, фарзанд тақдирига бефарқлик охир-оқибат қимматга тушди.

Аслида Б.Латипов ўрта мактабда яхши ўқиди, дурадгорлик касбига ихлос қўйди. Яхши бир устага шогирд тушиб, туппа-тузук фаолият юритаётган эди. Бироқ... Кунларнинг бирида у ўзининг гўллиги туфайли диний оқимлар қутқусига учиб, йўлдан адашди. Таъкидлашича, сохта ғоя ташувчилар аввал йўлдан адашган бир гуруҳ ёшлар билан диний илмларга оид савол-жавоблар қилишган. Кейинчалик эса ислом динига оид ақидалар акс эттирилган китобларни ҳадя этиб, сўнгра аста-секинлик билан мамлакатимиз ривожига раҳна солувчи ғояларни тарқатишга мажбур қилишгача бориб етишган.

Бахтга қарши Баҳодир Латиповнинг бошига тушган иш унинг айрим тенгдошларини ҳам четлаб ўтмади. Улар «Ҳизбут-таҳрир»чилар сафига билиб-билмай кириб, минг бора афсус-надоматлар чекишди. Юзлари қора бўлди. Жиноят йўлига кирган ёшлар жазосиз қолмадилар. Жумладан, Б.Латипов Тошкент вилоят суди томонидан олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Вақт ўтиши билан у ўз хатосини тушунди, айбига чин дилдан иқрор бўлиб, тавба-тазарру қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан эълон қилинган том маънодаги бағрикенглик, инсонпарварлик тимсоли бўлмиш амнистия туфайли муддатидан илгари озодликка чиқарилди.

Йигитга яна бир имконият берилди. Энди у ҳалол меҳнат билан ўзини оқлаши даркор эди. Баҳодир Ҳасанбой қишлоғидаги 4-қурилиш корхонасига дурадгор бўлиб ишга жойлашди. Қўлигул, меҳнатсевар, ажойиб фазилатли кишилар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда. Ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Ширин умрни яхшиликда, хурсандчиликда, меҳру оқибат кўрсатиб ўтказиш, ҳалол меҳнат ила обрў-эътибор қозониш улуғ бахт. Буни Баҳодир ва у каби қатор адашган ёшлар вақтида тушунишди.

– Жонкуяр, яхши инсонларга раҳматлар айтаман, меҳрибон Президентимдан бир умрга миннатдорман, - дейди Баҳодир биз билан суҳбатда. Севган касбимдан, она халқимдан қўймасин. Ишончни албатта оқлайман.

Р.НЕЪМАТИЛЛАЕВ



ЎзКУФКда учрашув



ҲАР ИНСОН БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ

Мамлакатлар, уюшмалар, ташкилотлар, маҳкамалар ва бошқа давлат ва халқаро тизилмалар ўртасидаги ўзаро самарали муносабатлар барчага фақат наф келтиради. Буни яхши англаган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлик йўлидан бориб, ўз фаолиятини йил сайин такомиллаштирмоқда.

Инсон борки яхши ишлаб, бахтли яшасам, дейди. Зеро, меҳнат жараёнларига халқаро миқёсда ҳам, ҳар бир давлат доирасида ҳам алоҳида аҳамият берилади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти, касаба уюшмалари томонидан меҳнат қилиш шароитлари ва шартларининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, илмий нуқтаи-назаридан ўрганилишининг мазмун-моҳияти шубҳасиз инсон ҳаёти, унинг ҳозири ҳамда келажагига бориб тақалиши умумбашарий устуворлик касб этади. Қувончлиси шуки, ХМТ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик дастури ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлиб, у биргаликдаги тадбирларни амалга ошириш шарофати ила дастлабки самарали қадамлар қўймоқда.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича мутахассиси Стен Тофт Петерсон билан жонли мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда таъкидландики, юқоридаги дастур ғояларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти ҳақида гап кетганда бандлик муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоа шартномалари, соғломлаштириш сингари масалалар биринчи ўринга чиқади. Қувончлиси шуки, меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва амалга оширишда касаба уюшмаларининг бевосита иштирок этиши, уларни такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар киритиши эътиборга сазовор жараёндир.

Меҳмон мамлакатимизда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида амалга оширилган улуғвор ишларни қайд этиш билан бирга, бозор шароитида ҳамжиҳатликда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларга алоҳида тўхталди. Унда Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Алишер Ғуломов, Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов, «Кабул-Ўзбек» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Қосимов, «Совпластитал» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Мавжуда Умарова, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Жория Алимхўжаева ва бошқалар сўз олиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, даврга ҳамоҳанг ишлаш хусусидаги таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Анжуманда бой адабиётлар, мавзуга оид кинотасмалардан унумли фойдаланилганлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «Уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бўйича батафсил маълумот берсангиз.

1. Ҳарбий таълим ўқитувчиларига (улар директори ўринбосари ҳисобланади) компенсация бериладими?

2. Сиртдан ўқиётган талабаларга, етакчи, психологларга, маданият техникумини битирган тўгарак раҳбари ёки номутахассис ўқитувчиларга компенсация қандай тартибда тўланади.

Э.Ниёзов
Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан қуйидагиларга энг минимал иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланди:

– барча типдаги умумтаълим мактабларининг педагоглик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари концертмейстрларига;

– академик лицей, таълим касб-ҳунар коллежлар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, директорлари, таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйча директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлар, методистлар, тарбиячилар, концертмейстрларига;

– «Меҳрибонлик уйи» тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларга;

– педагоглик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларга;

– педагоглик маълумотга эга ёки тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари муассасаларнинг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлар, таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистларига;

– олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари ва ўқув илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб марказлари бошлиқлари, инженерларига;

– юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагоглик ва илмий-педагоглик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга.

Тараддуд

Паркент туманидаги 1-мактабда «Ёз-2003», «Соғлом танда – соғ ақл» шиори остида ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчилари, таълим ва фан ходимлари Тошкент вилояти туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари раислари, халқ таълими бўлими мудирлари ва бошқа мутассадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

НАМУНАЛИ ОРОМГОҲДА

– Семинаримизни айнан Паркент туманида ташкил этганимизнинг сабаби бор. Мақсадимиз – иштирокчиларни ўтган йили «Энг яхши оромгоҳ» кўрик танловида ғолиб бўлган мактаб оромгоҳ фаолияти билан ҳам яқиндан таништиришдир, – дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти қўмитаси раиси Шуҳрат Йўлдошев. – Чунки кўз билан кўрган бошқа. Ўйлайманки, бу ерда кўрганлари кўпчиликка асқотади.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва кўнгилли хордиқ чиқариш учун вилоят бўйича 60 миллион сўм ажратиш режалаштирилган. Бу маблағ ижтимоий-суғурта бюджетидан берилади. Ҳар бир йўлланманинг умумий баҳоси 11 минг 700 сўм бўлиб, ота-оналар бу нархнинг 20 фоизини, яъни 2340 сўмини тўласа кифоя, қолган қисми хўжаликлар ва касаба уюшмалари ҳисобидан қопланади. Белгиланган тартиб бўйича ҳар бир бола учун 995 сўм кунлик овқатланиш учун сарфланиши лозим.

Бу йилги режага кўра, 35 та мактаб қошидаги оромгоҳларда 5080 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган. Оромгоҳларга асосан кам таъминланган ва Меҳрибонлик уйлари болалари жалб этилади. Ўтган йили бу кўрсаткич 2200 нафарни ташкил этган эди. Бу эса масъулият ҳам икки бараварга ортади, демак. Шу боис, бу йил оромгоҳлар фаолияти учун нафақат касаба уюшмалари, балки оромгоҳни ташкил этаётган муассаса ва юқори ташкилотлар мутасаддилари ҳам баб-баробар жавобгардирлар.

Йиғилишда оромгоҳларнинг санитария-эпидемиология шароитларини яхшилаш юзасидан ҳам кўплаб фикрлар билдирилди. Семинарда вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг маънавий-маърифий, спорт ишлари бўлими мудири Э.Раҳмонова, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқув бўлими бошлиғи Х.Эрматова, вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ишончли шифокори Л.Кобза ва бошқалар семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Маҳалланг – отанг, онанг!

ОҚСОҚОЛ

фаоллар билан кучли

Марат ака ишдан келибоқ идорага ошиқди. Боиси маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Дадахўжаева ёлғиз яшайдиган Шамсия аянинг тоби йўқлигини маълум қилганди. Уч-тўрт киши бўлиб, бемор ҳолидан хабар олгани таниш уйга киришди. Аянинг қанчалик қувонганини билсангиз эди.

– Ёлғизлигимни билдирмаяпсизлар, раҳмат меҳрибонларим, - дея дуога қўл очди нуроний.

Бу Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Аброр Ҳидоятов номи билан аталувчи маҳалла фаолларининг фаолиятидан лавҳа холос. Ҳозирда файзли гўшада 5150 нафар киши истиқомат қилади. 1995 йилдан буён таниқли ҳуқуқшунос Марат Ғуломов оқсоқоллик қилиб келмоқда.

– Кўпга, айниқса, маҳаллага бош бўлишнинг ўзи бўлмайди, - дейди у биз билан суҳбатда. – Ҳар бир хонадон аъзоси ҳақида, оиладаги муҳит, шароит хусусида аниқ маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Шу билан бирга етакчи ғоятда ҳушёр, бағрикенг ва албатта, фидойи бўлиши керак. Акс ҳолда ишончни оқлаш қийин кечади.

Маҳалла қадимдан катта тарбиячи, меҳру оқибат маскани бўлиб келган. Бир болага етти қўшни ота-она, деб бежиз айтишмаган. Эътиборлиси шуки, эндиликда хорижликлар ҳам бу масалага катта қизиқиш билан қарашаяпти. Жумладан, АҚШ фуқароси Ролан Юн республикамизга келиб, уч йил мобайнида маҳаллалар фаолиятини синчиклаб ўрганди. Яқинда эса ушбу маҳаллага япониялик делегация аъзолари ташриф буюриб, унинг ўзига хос томонларини ўрганишаркан, ҳайратларини яшира олишмади.

Ҳикоя қилишларича, Марат акага яхши фазилатлар аввало падари бузруквори марҳум Ўринбой ота Ғуломовдан ўтган. У киши қирқ йил давомида маҳалла қўмитасига раислик қилиб, қанчадан-қанча хайрли ишларга бош-қош бўлган, кўпнинг корига яраган.

— Ҳозирги кунда зиммамизга ғоятда масъулиятли вазифа юклатилган, - дейди оқсоқол. – Бироқ, атрофингда жонкуяр, ишнинг кўзини биладиган фаоллар бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Шу боис, эл-юрт ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Муҳаррам Боймуҳамедова, Раъно Дадахўжаева, Омонулла Мадаев, Жўра Йўлдошев, Маҳамаджон Муслимов каби инсонларга суянаман. Маҳаллада ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада посбонлар сардори Бахтиёр Раҳматжоновнинг хизмати алоҳида. У кечаю-кундуз маҳаллада. Ҳар доим йигит ва қизлар билан суҳбатлашаётган ёки ҳуқуқшуносларнинг аҳоли ўртасида суҳбатини уюштираётган кезларда учратасиз. Тарбиявий-ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги боис яқин вақт ичида ёшлар ўртасида кўнгилсиз ҳоллар содир этилгани йўқ.

Қаерда раҳбар қўл остидагилар билан ишни тўғри йўлга қўйса, ташаббусларни қўллаб-қувватласа, албатта, қувончли натижага эришилади. Фаоллар М.Ғуломов етакчилигида ўз ҳудудларидаги ҳаётни ҳушёрлик билан кузатиб борадилар. Маҳаллага келиб-кетувчилар қатъий назоратда. Бирон муаммо туғилса, кўплашиб ўша заҳоти ҳал этишади. Дарвоқе бу ерда тўйларни замонавий, камчиқим, бир умрга эсда қоларли ўтказиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Шу маҳалла одати билан яшаш, фаолларини ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаро учун одатий ҳолга айланган.



Яқинда бу ерда барчани қувонтирган тадбир ўтказилди. Ҳашар йўли билан ғоятда кўркам қилиб қурилган маҳалла идораси тантанали суратда фойдаланишга топширилди. Ана энди бу ерга ёшу қари ташриф буюриб, билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш имконига эга. Кўпчиликни қизиқтирган мавзуларда жонли суҳбатлар ўтказилмоқда. Четдан одамлар мазкур маҳалладаги ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ҳақида ҳавас билан гапиришади. Бунда жон бор. Чинданам маҳалла аҳли, айниқса, ўзининг қарияларига ғоятда меҳрибон. Ёлғиз қариялар Улфат биби Акромова, Саодат момо Бекмуҳамедова, Шамсия Зиганшина кабилар меҳр ардоғида. Тўйю-тантаналарда уларга тўрдан жой кўрсатилади. Байрамларда биринчи бўлиб совға-саломлар улашилади.

Ҳаёт қизиқ экан, - дея Марат ака бир таъсирли воқеани ҳикоя қилиб берди.

– Орамизда табаррук онахон истиқомат қилади, - дейди у. – Очиғи, шу пайтгача фарзандлари борлигини билмасдик. Бир куни идорага чиқсам, яхшигина кийинган аёл кутиб турибди. У менга юзланиб, шу маҳаллада яшаши ҳақида маълумотнома беришимизни илтимос қилди. Маълум бўлишича, у ўша ёлғиз онахоннинг ёлғиз қизи экан. Қизиқ, шунча йил керак бўлмаган она, аниқроғи, унинг уй-жойи энди керак бўлиб қолибди-да, дея куюндим. Начора, қонунан ҳаракат қилиб унинг талабини қондирдик. Шундай кезларда фақат ўзини, ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган кимсаларни кўриб, куюниб кетасан киши. Яна бир гап. Маҳалладаги бир киши эшиги олдига молхона қуриб олди, дейлик. Нари борса участка нозири унга жарима солиши мумкин. Ҳуқуқшунос сифатида фикрим шуки, агар маҳаллаларимизда маъмурий комиссия фаолият юритса, айни муддао бўларди.

Марат Ғуломов республика Адлия вазирлиги ҳуқуқий-тарғибот марказининг бўлим мудири сифатида ҳам қизғин фаолият юритмоқда. Меҳнат жамоаларида, кўпдан-кўп маҳаллаларда долзарб мавзуларда чиқишлар қилиб, кишилар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда Миллий истиқлол ғоясини чуқурроқ шакллантиришга ҳисса қўшмоқда. Матбуотда эълон қилинаётган мақолалари ҳам худди шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда бу файзли гўшада ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Фаолларнинг диққат-эътибори Ойдин Собирова номли 106-мактабда болалар бассейни қуриб, фойдаланишга топшириш, 393-болалар боғчасидаги компьютер хонасини кенгайтириш, уни намунали жиҳозлашга қаратилган.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири
F.ХИДИРОВ олган
суратлар

ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2003 йил 15 февралдаги қарорига асосан фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида фермер хўжаликлардан олинган йиллик, чораклик ва ойлик баланс ҳисоботлари солиқ инспекцияларида эмас, балки белгиланган муддатларда фермер хўжаликлари уюшмасининг ўзида ташкил этилган марказларда қабул қилинмоқда.

- Бу фермерларга жуда қулай бўлди, -деди Яккабоғ туманидаги "Аслиддин" фермер хўжалигининг раисаси Хадича Душаева "Туркистон-пресс" мухбирига. - Фермер хўжалигимизнинг олти гектар ери бор.

Шунинг баланс ҳисоботларини олиб солиқ идорасига боришимиз, кун бўйи овора-ю сарсон бўлишга тўғри келарди. Энди эса бу сарсонгарчиликларга барҳам берилди.

«Ишонч» фош этади

ҲУЖЖАТСИЗ МОЛЛАР

кимники ва у қандай келтириляпти?

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўтказган навбатдаги қисқа муддатли текширувда Андижон шаҳар савдо шохобчаларида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилаётган қарорлар қандай бажарилаётганлиги кўздан кечирилди. Назоратчилар гуруҳига 115 нафар солиқ хизмати ходими жалб этилган эди. Улар сафига вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳам қўшилдилар. Ҳамкорликдаги ҳаракат туфайли бир қатор ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Рейд давом этаётган пайтда Марказий деҳқон ва буюм бозори олдига давлат белгиси 10 0688 бўлган «Мерседес - Бенц» русумли юк машинаси келиб тўхтади. Боядан бери безовта бўлиб турган уч-тўрт нафар тижоратчи дарҳол машинани ўраб олди. Маълум бўлишича ҳайдовчи - Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи Лутфулла Сайдалиев андижонлик тижоратчилар Улуғбек Усмонов, Марварид Раҳманова, Авазбек Сиддиқов ва Камолиддин Исмоилов томонидан Тошкент бозорларидан нақд пулга харид қилинган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган жойга етказиб беришни бўйнига олган экан. Мана ҳозир Тошкентдан ортилган юкларни Андижонга олиб келди. Тижоратчилар дарҳол ўз юкларини ажратиб олишга киришдилар. Моллар машинадан туширилиши билан тўғри бозор пештахталарига чиқарилиши мўлжалланганди.

Лекин бундай бўлмади. Рейд қатнашчилари юкларнинг ҳужжатини текшира бошлашган эдики, ҳайдовчи ва тижоратчилардан совуқ тер чиқиб кетди. Чунки хорижда ишлаб чиқарилган 214 турдаги 30,5 миллион сўмлик маҳсулотларнинг бирортасида ҳам тегишли ҳужжатлар йўқ эди. Улар Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори талабларига зид равишда олиб келинган эди. Шу боисдан ноқонуний товарлар вақтинча олиб қўйилди ва суриштирув ишлари бошланди.

Бошқа гуруҳ аъзолари бозорда 859,2 минг сўмлик ҳужжатсиз спиртли ичимликлар ва тўрт хил қандолат маҳсулотлари билан савдо қилаётган фуқаро Нодирбек Усмоновни ва унинг ёнида 9,4 миллион сўмлик чет-эл чойи билан савдо қилаётган Шаҳобиддин Расуловни қўлга туширдилар. Суриштирув давомида Шаҳобиддин бу чойларни Тошкентдаги «Гулбаҳор люкс» хусусий корхонасидан харид қилганлигини билдирди. Лекин бу гапни тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсатолмади.

Андижон туманида ўтказилган рейдда Куйганёр шаҳарчасида истиқомад қилувчи Ғайрат Абдурасуловнинг қинғир ишлари ошкор бўлди. У кўпдан бери ноқонуний савдо ишлари билан шуғулланиб келаётган экан. Текширув ўтказилган куни ҳам у умумий қиймати 447,3 минг сўмлик чет-элларда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётганди.

Маҳсулотларнинг сифат сертификати, божхона баённомаси йўқ эди. Шу боисдан савдо тўхтатилди.

Андижон вилояти солиқ хизмати ходимлари ҳужжатли текширувлар ҳам ўтказиб Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган сайъ-ҳаракатлар олиб боришяпти. Улар яқинда Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепа» ширкат хўжалигида солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганлигини текширувдан ўтказдилар. Шу жараёнда хўжаликда 1 май ҳолатига тўлов муддати ўтиб кетган 5,7 миллион сўм дебиторлик қарзи мавжудлиги, 11,3 миллион сўмлик маҳсулотлар олдиндан 15 фоизлик тўловсиз бериб юборганлиги, 29,4 миллион сўмлик ўзаро мол айирбошлаш операциялари амалга оширилган бўлишига қарамай 7,9 миллион сўм нақд пул тушуми банкларга топширилмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги маълум бўлди. Текширув якуни бўйича 7,6 миллион сўм устама жарима ҳисобланди.

Тумандаги «Деҳқончек» ширкат хўжалигида ўтказилган ҳужжатли текширув давомида ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Бу ерда 1 май ҳолатига тўлов муддати ўтиб кетган 13 миллион сўм дебиторлик қарзи мавжуд эди. Шу боисдан хўжаликка нисбатан 5,4 миллион сўм устама жарима ҳисобланди. Агар бу ерда солиқ қонунчилигига тўла риоя этилганида у бир сўм ҳам жарима тўламасди. Жаримага кетган маблағ ширкат аъзоларига мукофот тарзида бўлиб бериладиёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарф этиларди. Афсуски, хўжалик раҳбари Р.Қурбонов ва бош ҳисобчи Л.Абдуллаевнинг лоқайдлиги жамоага қимматга тушди.

Қонун устуворлиги таъминланаётган ҳозирги пайтда ҳар бир жамоа, ҳар бир фуқаро амалдаги қонунчиликка тўла риоя этиши керак. Шундай экан тўғри яшаб тўғри меҳнат қилиш ҳар бир фуқаронинг шиорига айланмоғи керак.

Жасур НОСИРОВ,
«Ишонч»нинг жамоатчи
мухбири

Фарғона водийси бўйлаб қилган сафари чоғида Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислоҳотлар, янгиланишлар аввало инсонга, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига, манфаатларига хизмат қилади. Негаки, ўзгаришларнинг бош мақсади ҳам одамларга, айниқса, келажагимиз ворислари бўлган ёшларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом турмуш тарзини, фаровон ҳаётни армуғон этишдир. Руҳан тетик, жисмонан соғлом, маънавий етук комил инсонлар яшаб, меҳнат қилаётган жойда ислоҳотлар самарали кечади.

Бугун-эрта Андижонда фойдаланишга топшириладиган Олимпия захиралари спорт коллежи ҳам ана шу эзгу ниятлар учун барпо этилди. Президентимиз янги спорт кошонаси қурилишида бўлиб, бу ердаги бунёдкорлик ишлари кўламини юқори баҳолаб, иншоотни жаҳон спорти меъёрларига мувофиқлаштириш учун қимматли маслаҳатлар берди.

«Баркамол авлод - 2003» мусобақалари олдидан

КЎЧА ВА МАҲАЛЛАЛАРДА

копток ўйнаётган ёки ракетка тутган болаларни кўрасиз

Вилоятимизнинг қайси бурчагига борманг, кўча ва маҳаллаларда копток қўлтиқлаган ёки қўлига ракетка тутган, елкасига бокс қўлқопини ташлаган болаларни учратасиз. Эрталаб йўлакларда гуруҳ бўлиб югураётган енгил атлетикачиларга дуч келасиз. Дам олиш кунлари, спорт заллари, ўйингоҳлар спортчилар билан доим гавжум, ишқибозлар ҳайқириғи тез-тез қулоққа чалиниб туради.

Бу болалар ўртасида спорт оммалашиб бораётганлигини, у ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан кейин катта ўзгаришлар рўй берди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бу борада вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳокимлик билан самарали ҳамкорлик қиляпти. Ўзаро келишувга муофиқ ўсмир ёшларни спортга кенг жалб этиш, бу ишларда тармоқ касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш бўйича битимга алоҳида бандлар киритилган. «Баркамол авлод - 2003» мусобақаларининг вилоятимизда ўтиши муносабати билан Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган дастур муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ана шу бирдамликнинг натижасидир.

Дастурга асосан раёсат йиғилишлари, Пленумларда тармоқ касаба уюшмаларининг болаларни соғломлаштириш ва жисмоний тарбия, спорт ишларини яхшилаш масалалари мунтазам муҳокамадан ўтказилмоқда. Яқинда ушбу масала юзасидан Кенгаш ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқарувининг 1998-2003 йиллардаги фаолияти таҳлилига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари, жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви жойлардаги 14 та туман ҳокимлиги, 4 шаҳар, 5 та олий ўқув юрти болалар спортини бугунги кун талабларига кўтариш учун кеча-кундуз иш олиб боряптилар. Мусобақалар, турнирлар ташкил қилишга 67 миллион 800 минг сўм, спорт жиҳозлари сотиб олиш учун 12 миллион сўм харажат қилинганлигининг ўзи болалар спортига эътибор ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Болалар спортининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бораётганлиги диққатга сазовор. Биргина Қўрғонтепа туманида ўтган йили 1000 ўринли кураш майдони қуриб ишга туширилди. Яқинда «Намуна» ширкат-хўжалиги ихтиёридаги спорт мажмуи халқ таълими туман бўлими ихтиёридаги мактаблар ўқувчи-ёшлари ихтиёрига берилди. Андижон туманидаги Бакиров номли, Патидинов номли ширкат хўжаликларида футбол ўйингоҳлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бўз туманидаги 3 та касб-ҳунар коллежларидаги спорт заллари қайта таъмирланиб, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Асака туманида «Ҳар бир маҳаллада болалар спорти мажмуи бўлсин» шиори остида бошланган халқ ҳашаридан ибрат олсалар арзийди. «Обод маҳалла йили» шарофати билан 6 та аҳоли мавзеида жамоатчилик ҳомийлигида кураш майдонлари, мини-футбол, волейбол ўйингоҳлари барпо этилди.

Вилоятда «Баркамол авлод -2003» мусобақалари олдидан тайёргарлик ишлари ниҳояланмоқда. Лойиҳа қиймати 5 миллиард сўмга яқин 20 минг ўринли ўйингоҳга эга, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари бўлган болалар спорт кошонаси ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига мос.

Айни кунларда вилоятда 63 та болалар спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 30 минг нафарга яқин бола спортнинг 33 та тури бўйича жисмоний чиниқмоқда. Тасарруфимиздаги 10 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳар йили 3 мингдан зиёд ўсмир-ёшлар спорт маҳоратларини такомиллаштирмоқдалар.

Қувончлиси, талабаларимиз халқаро ва республика, вилоят спорт беллашувларида Андижон шарафини муваффақиятли ҳимоя қилмоқдалар. Енгил атлетикачилардан таркиб топган болалар терма жамоаси 2002 йили мамлакатда тўртинчи ўринни, Булоқбоши туманидаги Улуғбек ширкат хўжалигига қарашли болалар ва ўсмирлар терма жамоаси футбол бўйича иккинчи ўринни, 2-спорт мактабининг мерганлари биринчи ўринни ишғол қилдилар. Таълим ва фан ходимлари, агросаноат мажмуи касаба уюшмаларида болалар спорти ривожига доир ишлар кўлами мақтовга лойиқ.

Болалар спортининг равнақ топишида вилоятдаги «Динамо», «Ёшлик», «Ўзбекистон» спорт жамиятларининг нуфузи катта. Шаҳарлик ва қишлоқ ёшлари дастлаб таэквандо, чим устида хоккей, юнон — рум кураши сирларини ушбу спорт даргоҳларидан ўрганганлар. Бу қаторга вилоят спорт қўмитаси ихтиёридаги «Олимпия» ўринбосарлари спорт мактаби, вилоят халқ таълимига қарашли 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаларини ҳам киритиш мумкин. Ўтган йил XIV Осиё ўйинлари ғолибларидан жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Антонина Москалёва, Татьяна Левина (байдарка ва каноэ), Сергей Михайлов (бокс) кумуш медал нишондори, Игор Халилов (оғир атлетика) йилнинг энг яхши спортчиси номига муяссар бўлдилар.

Кўплаб ўсмир-ёшларимиз академик эшкак эшиш, эркин кураш, ўқ отиш, бошқа спорт турларидан республика чемпиони унвонига сазовор бўлганлар. Касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг битирувчилари «Олимпия» ўринбосарларини тайёрлаш мактабларига қабул қилинмоқда. Бунда албатта, мураббийларнинг муносиб ҳиссалари бор. 2-БЎСМнинг бокс бўйича мураббийси Шуҳратбек Абдуллаев меҳнатини алоҳида қайд этиш жоиз. У юртбошимиз Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони билан тақдирланган.

Бир сўз билан айтганда, Андижон вилояти болалар спорти ватанига айланиб бормоқда.

Ғайратжон СОДИҚОВ,
Андижон вилояти
касаба уюшмалари
Кенгаши раисининг
ўринбосари

Рангтасвир

ТАБИАТДАН КУЧ ОЛИБ



Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси Фахриддин Тоҳиров жаннатмакон ўлкамиз манзаралари, табиатини ўзига хос рангин жилоларда санъатнинг сеҳрли оламига муҳрлаган ажойиб мусаввирдир. 70 ёшини қаршилаётган ижодкор табиатни беҳад севади, ардоқлайди. Шу боис ҳар бир гиёҳга катта муҳаббат билан қарайди, улардан маъно, мазмун қидиради. Ана шу муҳаббат туфайли табиат ҳам унга бор тароватини билан намоён бўлади. Рассомнинг нозик қалби билан ҳис қилиб, мўйқаламда тасвирлаган асарлари томошабин қалбини ларзага солади, ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди. Ранглар қоришмасида табиатнинг қайтарилмас мотивлари акс этади.

Рассом ўз асарлари учун мотивни Чирчиқ соҳили, Тошкент атрофидаги тоғ манзаралари, Хўжакент сўқмоқларидан излайди. Республикамизнинг жанубий чегараси Сурхон воҳаси бўйлаб кезиб, Бойсун, Қумқўрғон адирлари табиатининг тароватидан илҳом олади. Бу гўзал манзараларни аввал рассом қалбига кўчиради. Сўнгра қалб ҳарорати ва гўзал туйғуларини қўшиб, ёркин асарлар яратади. У ҳар бир этюд, эскизни ҳам аввал ўз юрагида чизиб, сўнгра асарларига кўчиради. Рассом айниқса, баҳор ва куз фаслларини алоҳида эҳтиром билан асарларида муҳрлайди. У баҳорни янгиланиш, умид наҳори сифатида тасвирласа, кузга алоҳида фалсафий маъно беради. Умрнинг ғаниматлиги, ҳаётнинг омонатлигига ишора қилади. Шу боис баҳор фаслини қизғиш, кўкиш, яшил каби ёркин рангларда тасвирласа, кузни аксинча сариқ, тўқ қорамтир бўёқларда акс эттиради. Рассом табиат руҳига шу даражада кириб кетадики, гўё у билан суҳбатлашаётгандек, уни бутун тароватини билан ҳис қилаётгандек, туйғуларини ранглар жўшқинлигида ифода этаётгандек туюлади. Чунки у ҳар бир этюдни табиатдан олади.

Ижодкор оқшом гўзаллигини бўёқларда кўчирар экан, улар ҳаёт фалсафасидан сўйлайди, куннинг интиҳоси кишиларни фикрлашга чорлайди, эртанги кунга умид уйғотади. Бундай фалсафийлик Фахриддин Тоҳиров ижодининг ички мотивини, изланишлар негизини, бир сўз билан айтганда, ижодий фаолиятининг моҳиятини белгилайди. Айниқса, «Шамол» (1986), «Кеч» (1961), «Оқшом» каби асарлари томошабин қалбини жунбушга келтиради. «Хўжакент», «Олмазор», «Пахта», «Қумқўрғон», «Олма» каби асарлари эса кучли эҳтирос билан тасвирга олинганлиги боис, томошабинни гўзалликка ошно этади.

Ўлкамиз бадиий образлари сиймосини зўр муҳаббат ва алоҳида ифтихор туйғуларига тўлиб тасвирлаётган отахон рассомимизнинг ижод булоғи ҳамон жўшиб оқмоқда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунос

Кўргазма

РАСМЛАР КАТАЛОГИГА КИРИТИЛДИ

Туркияда ўтказилган болалар чизган расмлардан ташкил топган халқаро бадиий кўргазмада 40дан ортиқ мамлакатдан ижод намуналари намойиш қилинди. Унга қўйилган 25 та экспонат эса республикамиз ёш ҳаваскор рассомлари ижодига мансуб эди.

Шулардан иккитаси кўргазмада катта муваффақият қозониб, совринли мукофотларга лойиқ топилди. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг республика болалар ижодиёти маркази студия аъзоси Баҳодир Рихсиев билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Радуга» тасвирий санъат студияси аъзоси Анна Янковалар эса энг яхши расмлари учун халқаро кўргазманинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Кўргазма ҳаками қарори билан уларнинг асарлари расмлар каталоги нашрида ёритиладиган бўлди.

А.АКБАРОВ

Дўст ачитиб гапиради

Китоб – офтоб деб бежизга айтишмаган. Унинг ҳаётимизда тутган ўрни, аҳамияти ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Хўш, шундай экан, бугунги кунда бу гўзал таърифкор дўстимизга муносабат қандай?Китобхонлар унинг нур-зиёсидан етарли даражада баҳраманд бўлишяптими?

КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Яқинда Денов туман маданият уйида бўлиб, кутубхоналар иши билан танишдик.

Туман маданият ишлари бўйича директор муовини Хўжамурод Эргашев гапни чўзиб ўтирмади, очиғига кўчиб қўя қолди.

– Бу бино бир вақтлар мусиқа мактаби эди. Маданият уйи жойлашганига ҳам анча йиллар бўлди. Туман марказидан янгисини қуриш учун 1988 йилда жой ажратилган бўлса-да, ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Бизга тақдим этилган маълумотларга қараганда, шаҳарда 11 та кутубхона бўлиб, жами 133 минг 463 та китоб мавжуд, шундан 86 мингдан зиёдроғи бадиий китоблардир. Янгилари билан таъминлаш эса рисоладагидек эмас. Шаҳар кутубхоналарига ўтган йили 234 та китоб келтирилган, 47 та туман кутубхоналари учун 335 та китоб олинган. Бу дегани ҳар бир кутубхона фонди йил давомида бор-йўғи 5-6 тадан китобга бойиган.

Кутубхоналарни айланамиз. Шаҳар марказида жойлашган туман болалар кутубхонаси мудираси Наталья Джапи анча хомуш кўринди.

– Бу ерда ишлаётганимга 26 йил бўлди. Қачон таъмирланганини эслолмайман. Кўпдан буён томдан чакка томади. Эски бино бўлганлиги боис, иситиш имконияти ҳам йўқ. Қишда роса қийналдик, - дейди у.

– Янги китоблар олаяпсизларми?

– Бу йил 3 та китоб келтирилди.

Худди шундай ҳолатни туман марказий кутубхонасида ҳам кузатиш мумкин. — Кутубхона биноси тўкиламан, дейди.

– Ўтган йили бор-йўғи 5 та кутубхонани, уларни ҳам хўжаликлар ёрдами билан таъмирлаган эдик, - дейди, кутубхоналар тизими директори Файзулло Мусурмонов эътирозларимизни эшитиб. — Бошқасига ҳозирча кучимиз етмаяпти.

Олижаноб, нурҳиммат халқмиз. Ён қўшнимизникида озгина нотинчлик бўлса, дарҳол ҳол-аҳвол сўраб чиқамиз. Кимнингдир бошига иш тушса, кўмакка ошиқамиз. Етим-есирларга меҳр-оқибат кўрсатиб, еб турган луқмамизни тутамиз. Меҳмон келса, боримизни тўкамиз.

Аммо...

Қадриятларимиз тикланиб, урф-одатларимиз, қадимий удумларимиз яна ҳаётимизга сингиб бораётган бир пайтда зиё масканига нисбатан лоқайдлик қилсак жуда хунук кўринар экан.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Бизнинг бахтли келажагимиз

БОҒЧА-ГИМНАЗИЯ

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, етук кишилар қилиб тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифасига айланди.

Қарши шаҳридаги «Нодирабегим» боғча-мактаб мажмуасида 1989 йилда тажриба тариқасида мактаб синфлари ташкил этилган эди. Жамоа фаолияти кейинчалик юқори баҳоланиб, унга боғча-гимназия мақоми берилди.

Ҳомий ташкилот — «Шўртаннефтгаз» унитар корхонаси таълим масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътиборини кучайтирди. Шаҳар ҳокимининг қарори билан икки қаватли ўқув биноси боғча тасарруфига ўтказилди.

Бола соғлом бўлсагина уни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсон қилиб тарбиялаш мумкин. Шу ниятда мажмуада тиш даволаш, физиотерапия, тиббий муолажа, кўз касалликлари хоналари, ёзги ва қишки сузиш ҳавзаси ташкил этилди. «Алпомиш» спорт зали, керакли анжомлар билан жиҳозланиб, спорт майдончалари кенгайтирилди. Нутқида нуқсони бор болалар учун логопед гуруҳлари ташкил этилиб, психолог хизмати йўлга қўйилди. Ҳар бир бола ва уларнинг ота-оналари билан якка тартибда иш олиб борилаяпти.

340 нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланаётган боғча-гимназияда математика, информатика, инглиз тили фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўргатилади. Ўқув машғулотларини олий маълумотли, катта тажрибага эга малакали ўқитувчилар олиб боришади.

1993 йилдан бошлаб болаларга хорижий тиллар ўргатилаяпти.Лингафон хонаси фаолият кўрсатаётганлиги болалар талаффузлари устида пухта ишлаш имкониятини яратади. Ҳафта мобайнида 1-3-синфларда 2 соат, 5-синфларда эса 5 соат инглиз тили дарслари ўтилади. Машғулотларда компьютер техникасидан тўлиқ фойдаланилаяпти.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси инглиз тилини ўрганиш куни деб эълон қилинган. Тарбияланувчиларга информатика, бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, вақтдан унумли фойдаланиш, оила иқтисоди ва бюджети ҳақида тушунчалар берилади.

Моҳир педагог ва тарбиячилар шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Боғча-гимназия жамоаси «Соғлом авлод учун» дастурининг бажарилиши бўйича ўтказилган республика кўрик-танлови, ғолиби бўлган.

Таълим маскани раҳбари София Абдуназарованинг ташаббуси билан маҳалла аҳли учун «Қизлар ва аёллар мактаби», «Ишонч - психологик маркази» ташкил қилинди. Болаларга ҳуқуқий, иқтисодий ва экологик тарбия бериш яхши йўлга қўйилган, мустақил ижодий шуғулланишлари учун қулайликлар яратилган. «Шўртан юлдузлари» ашула ва рақс дастаси тузилган.

Ёш авлодни тарбиялашда янгиликлар, изланишлар ижодкорлик билан олиб борилаётгани учун мажмуа вилоят ҳокими қарори билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пунктига айлантирилди. Таълим-тарбия жараёни «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида амалга оширилаяпти.

Яна бир янгилик 2002 йилда «Фарзандим-жигарбандим» жамоатчилик маркази иш бошлади. Марказнинг асосий вазифаси кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тарбиялаш ва мактабга тайёрлаш, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур муҳит ва шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Марказда оналар ҳам таълим оладилар. Уларга 86 соатлик дастур асосида педагогика, психология, тиббиёт ва бошқа соҳалар бўйича тажрибали мутахассислар семинар-тренинглар олиб борадилар. Марказ раҳбари С.Абдуназарова, тажрибали педагоглар Л.Куртаева, М.Нусратуллаева таълим-тарбия савиясини яхшилаш учун астойдил жон куйдиришаяпти.

Компьютер саводхонлиги ва чет тилини ўрганиш 5 ёшдан бошланади. Болалар мактабга боргунга қадар инглиз тилида кичик ҳикоялар тузиш, шеърлар айтиш, ўз оилалари, яшайдиган шаҳри, кўча ва маҳалласи ҳақида сўзлаб бериш кўникмасини орттиришади.

Яқинда боғча-гимназияда бўлиб ўтган республика семинар кенгашида таълим-тарбиянинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш, педагогик технологияларни қўллаш соҳасида орттирилган амалий тажрибалар ўрганилди ва оммалаштирилди.

Боғча-гимназия жамоаси ёш авлодни руҳан тетик, ақлан баркамол, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга кадрлар қилиб тарбиялаш учун бутун билимлари, ижодкорлик маҳоратларини сафарбар этмоқдалар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбирлари

Суратларда: боғча-мактаб мажмуаси фаолиятидан лавҳалар.

Истеъдод

КАМЕР ОРКЕСТРИ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузурида иқтидорли ёшлардан ташкил топган бир неча ижодий гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Улар қаторига яна бир истеъдодли жамоа қўшилди. Бу янги камер оркестри олий мусиқа мактаби талабалари ҳамда Успенский номидаги республика болалар мусиқа лицейи ўқувчиларидан ташкил топди. Оркестр консерваториянинг торли чолғучилари кафедраси доценти Улуғбек Имомов бадиий раҳбарлигида ўзининг дастлабки концерт дастурини тайёрлади. Унда ўзбек ва чет эл композиторлари асарларидан намуналар бор.

Мухтор Ашрафийнинг «Сўзсиз қўшиқ» асари, славак композитори Алексей Славакнинг «Торли чолғулар учун серенада» каби ижод намуналари ҳам маҳорат билан ижро этилмоқда.

Оркестр ижросида Моцарт, Сарасате сингари машҳур композиторларнинг торли чолғу асбоблари учун ёзилган асарлари ҳам янграмоқда.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17128 Буюртма Г— 467. 1 2 3 4 5 6